Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

MA'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 26 июнь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 46 (6743)

Даъват

Агар муродингиз гулларининг очилишини истасангиз, ишларингиз биносини тўғрилик узра қуринг.

БУЗУРЖМЕҲР

Ибрат

«Наврўз» хайрия жамғармасининг Сирдарё вилояти бўлими Ғафур Ғулом номидаги Гулистон давлат университетининг энг иқтидорли талабаси учун «Наврўз» стипендиясини таъсис этди.

ИСЛОМ КАРИМОВ ВАШИНГТОНГА КЕЛДИ

ВАШИНГТОН. (24 июнь. ЎзА махсус мухбири Амиркул КАРИМ хабар қилади). 23 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов амалий ташриф билан Вашингтонга келди. Олий мартабали меҳмонларни кутиб олишга мўлжалланган Эндрус авиабазасида мамлакатимиз раҳбарини АҚШ давлат департаментининг МДҲ давлатларига нисбатан сиёсати бош мувофиқлаштирувчиси Жеймс Коллинз ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТАШРИФИ ТЎҒРИСИДА ОҚ УЙ МАТБУОТ КОТИБИНИНГ БАЁНОТИ

Президент Билл Клинтон Президент Ислом Каримов унинг 25 июнь куни Вашингтонда учрашиш тўғрисидаги таклифини қабул қилганини мамнуният билан хабар қилади.

Мазкур учрашув икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ривожланиб бораётганининг белгисидир.

Президентлар сиёсий, иқтисодий соҳаларда ва хавфсизлик соҳасида ҳамкорликнинг ҳал қилувчи маҳсалаларини, шунингдек Марказий Осиёдаги янгиланишлар масалаларини ва бошқа масалаларни муҳокама қиладилар.

ДАВЛАТ МАБЛАҒИ ТЕЖАЛДИ

Андижон вилояти Балиқчи тумани маорифчилари 1993 йилда янги ўқув йилига тайёргарликни 15 июнда тугаллаш ташаббуси билан чиққан эдилар. 1994 йили улар яна бир хайрли ташаббус кўрсатдилар. Тумандаги 30 та мактаб, 10 та болалар боғчаси навбатдаги ўқув йилини таъмирсиз кутиб олди. Бу билан давлатнинг ҳозирги нархда, фақат қурилиш материалларини ҳисобга олганда 150 минг сўмлик маблағи тежалди. Жорий йилда 20 та мактаб ва 7 та боғча шундай йўл тутди.

Маорифчилар 15 июнь куни янги ўқув йилига мутлақ тайёр эканлиги ҳақида хушхабарга қўл қўйдилар. Дарвоқе, бу ерда яна бир ташаббус кўтарилди. Бунда жами 6 та: 1,3,5,26,40,47-мактаблар ёрдамчи хўжаликдан ишлаб топилган маблағ эвазига таъмирдан чиқарилди. Мазкур ўқув даргоҳларида терак етиштириб сотиш, иссиқхона, лимонарий, темир-терсакни кичик корхоналар орқали бартер қилиш йўлга қўйилган.

Янги ўқув йилини таъмирсиз кутиб олишда сабабдан кўра мақсад устунроқдир. Ҳолбуки, ўқувчилар бунда давлат мулкини тежаб ишлатиш, ўз мактабини эҳтиёт қилиш руҳида ҳам тарбияланадилар. Шунингдек, амалий-иқтисодий билим эгаллайдилар.

Ўз мухбиримиз.



Бу юртнинг манзараси нақадар хуш, бу эл гирдидаги табиат бунчалар жозиб! Унинг бир парча кўриниши, сурати ҳам эътиборингизни тортади. Суратга узоқ-узоқ тикиласиз. Қалбингизга мовий ирмоқ янглиғ бир ғурур оқиб киради — бу менинг юртим!

Қалбингиз мовий ирмоқ янглиғ қалқийди, тўлқинлана бошлайди.

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

⊛ Шу йилнинг 21-22 июнь кунлари Италия Республикасининг Флоренция шаҳрида Европа Иттифоқига (ЕИ) аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг навбатдаги учрашуви— Саммити бўлиб ўтди. Унда иштирок этган Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Ўзбекистон билан ЕИ ўртасида имзоланган шериклик ва ҳамкорлик битимини томонлар ўртасидаги стратегик алоқаларга йўл очишда муҳим аҳамиятга эга, дея баҳолади.

⊛ 18-19 июнь кунлари Франкфурт шаҳрида «Германияда Ўзбекистон иқтисодиёти кунлари» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унинг ташаббускорлари: Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, «Германия — Марказий Осиё» жамияти, «Дойче банк», Франкфурт шаҳар магистрати ҳамда Ўзбекистоннинг Германия Федератив Республикасидаги элчихонаси.

⊛ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзян Цзэминь шу йилнинг 2-3 июль кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлади.

⊛ АҚШ Президенти Билл Клинтон Россия Президенти Борис Ельциннинг Лионда бўладиган саккиз мамлакат раҳбарлари учрашувида қатнаша олмаслигига сабаб—мамлакатда президентлик сайловларининг иккинчи турга қолдирилганлиги, у шу кунларда ўз халқи билан бўлгани маъқул, деди.

⊛ Африка миллий конгрессига аппартаидга қарши курашда ёрдам берган Куба, собиқ СССР ҳамда яна бир қатор мамлакатлар Жанубий Африкада демократия ғалабасига катта улуш қўшди, дея таъкидламоқда унинг президенти Нельсон Мандела.

ЯНГИ ЎЗБЕК АЛИФБОСИНИ ЎЗЛАШТИРИШДИ

Болаларга 3-5 ёшларидан бошлаб инглиз тилини ўргатиш бугунги кунда халқ таълими ходимлари олдида турган долзарб вазифалардан бири бўлиб қолди. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, Наманган шаҳридаги «Олмахон» болалар боғчасида вилоят мактабгача тарбия муассасалари ходимлари томонидан ўтказилган семинар айни муддао бўлди. Мазкур тил байрами даражасида ўтказилган йиғилиш инглиз тилига бағишланди. Тадбирда боғча мудиралари, тарбиячилар, ҳокимият вакиллари, инглиз тили муаллимларининг методик бирлашма раҳбарлари, хорижий меҳмонлар иштирок этишди.

Анжуманнинг айнан мазкур боғчада ўтказилишига сабаб бу ерда болаларга тил ўргатиш бўйича дурустгина тажриба тўпланганидир. Катта гуруҳдаги ўғилқизлар, ҳатто лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосини ҳам тўлиқ ўзлаштириб олишибди. Шу куни боғча тарбиячиларидан Моҳира Холмирзаева, катта гуруҳларда инглиз тилида «Қўғирчоқни меҳмон қиламиз», Алиса Зокирова «Мева ва сабзавотлар», Умида Муборакова эса «Ит ва мушук» мавзуларида кўргазмали очиқ машғулот ўтдилар. Эътиборли томони шундаки, болакайлар боғча опалар билан хорижий тилда эркин суҳбат қура оладилар. Бунда болаларнинг луғат бойлиги анчагина ўсгани ҳам кўзга ташланди.

Тарбиячи фортепьянода куй чалди. Болалар унга жўрликда қўшиқ айтишди. Машғулотларда интенсив педагогиканинг коммуникатив усули моҳирона қўлланилди. Ўтказилган «сочма» савол-жавоблардан Наманган боғчаларида мустақил Ўзбекистонимизнинг буюк келажаги ворисларига уларнинг энг кичик ёшиданоқ пишиқ-пухта билим берилаётгани маълум бўлди.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз.

ОТА БЎЛИШГА ЎРГАТАДИ

АҚШнинг Кристиан Абелине университетида ташкил этилган марказ кишиларга бола тарбияси ҳақида фойдали маслаҳатлар бериш, ғамхўрликка ўргатиш, бир сўз билан айтганда, муносиб ота бўлишга ўргатади.

UZINFO МАРКАЗИ — МАОРИФ ОЛАМИДА

ЮЗМА-ЮЗ

Билимни ҳаётга татбиқ этиш лозим. Яқинда коллежни тугатган ёшлар ўтказилган оғзаки суҳбатларда қийналиб қолишганга ўхшайди. «Текширув натижалари баъзи студентларнинг старли билимга эга эмасликларини кўрсатди», — дейишмоқда АҚШлик мутахассислар.

ГАП МАВЗУДА ЭМАС, МАҲОРАТДА

Машҳур булишнинг йўллари кўп. Аммо уларнинг баъзиларини кўриб ҳайратга тушасиз. Масалан, рассом Вильям Кристенберрининг Ки Клакс Клэннинг ваҳшийликларини тасвирловчи асарлари катта шуҳрат қозонмоқда.

ЭНГ ЁШ МИЛЛИОНЕР

Яқинда эндигина ўрта мактабни тугатган исроиллик қиз бир дона лотореясидан бир миллион долларлик давлатга эга бўлди. Кутилмаган бахт катта шовшувга сабаб бўлди, не ажаб охир қиз ҳали ўн саккиз ёшда.

ЎРИНЛИ ДАСТУР

Москванинг қўплаб техник университетларида халқаро фанлар академиясининг дастурига кўра педагогик кафедралар ташкил этила бошланди. Студент, эндиликда, иккита: инженерлик ҳамда ўқитувчилик дипломларини олади. Бу шаҳарда ўқитувчилар етишмаслигининг олдини олади.

Абитуриент —96

ТЕСТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ЁКИ ЁЗГИ ТЕСТ САВОЛЛАРИ НИМА АСОСИДА ТУЗИЛАДИ?

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг «Ахборотнома» журналининг 14-сони чоп этилиб, рўзномалар дўконларига, Халқ таълими вазирлиги орқали мактабларга тарқатилмоқда. Бу 14 сонда Давлат тест марказининг 1996—1997 ўқув йили учун талабаликка қабул қилишда синовларда фойдаланиладиган фанлар бўйича тест саволлари жамғармалари чоп этилди. Бу йилги тест синовлари саволлари шу жамғармадан тузилади.

Халқ таълими ва ҳокимият

ҲАЛИ КЎП ИШЛАШИМИЗ КЕРАК

Чироқчи туман ҳокимияти ташаббуси ва бевосита раҳбарлиги билан кейинги икки йил ичида туманда халқ таълими соҳасида сезиларли ижобий ўзгаришлар кўзга ташланиб қолди. Туман ҳокимининг муовини Хушмурод Шодмонов билан махсус мухбиримиз ана шу ҳақда суҳбатлашди.

— Хушмурод ака, Чироқчи тумани, Қашқадарё вилоятидаги энг катта туман ҳисобланаркан. Шу ҳакда қисқача изоҳ берсангиз?

— Дарҳақиқат, туманимиз воҳада энг каттадир. Ҳудуди 2836 кв. км майдонни эгаллаган бўлиб, айни кунда 229726 нафар аҳолига эга. Улар 134 та қишлоқда яшайди. Туманимиз аҳли асосан деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Мустақиллигимиз шарофати билан туманимизга саноат корхоналари ва миллий ҳунармандчилик корхоналари кириб кела бошлади.

Халқ таълими соҳасига келсак, туманда айни кунда 156 та мактаб, 26 та болалар боғчалари, 2 та болалар ва ўсмирлар уйи, битта спорт мактаби, 7 та ўқув-ҳунар корхонаси, битта ҳунар лицейи, битта ҳунар-техника билим юрти мавжуд. Мактабларимизда 5850 нафар ўқитувчи 57850 нафар ўғил-қизга таълим-тарбия бераётир.

— Кейинги йилларда туман ҳокимлиги мактабларни моддий жиҳатдан бойитиш, ўқитувчиларга ғамхўрлик масалаларида қандай ишларни амалга оширди?

— Энг аввало, шуни айтишим керакки, туманимиз ҳокими Турсунпўлат Каримовнинг ҳар доим такрорлаб турадиган «Халққа биринчи навбатда нон, иккинчи навбатда таълим керак», деган иборалари бор. Худди шу ҳикматга амал қилган ҳолда туман ҳокимлиги халқ таълимига асосий эътиборни қаратиб келмоқда.

Кейинги икки йил ичида ҳокимият қарори билан барча мактаблар ва тарбия муассасаларига алоҳида оталиқ ташкилотлар биркитилди. Бу оталиқ ташкилотлар у ёки бу байрам ёхуд анъаналарда, мактабларнинг ички тадбирларига, таъмирлаш ишларига ҳомийлик қилмоқдалар.

Туман ҳокимлигининг ўтган йил 9 декабрдаги қарорига кўра, барча мактабларга унумдор суғориладиган ердан 2-5 гектардан, лалмикор ердан 15-20 гектардан экин майдонлари ажратиб берилди. Бир қатор мактаб жамоалари бу ишга барвақт киришганликлари сабабли яхшигина даромадга ҳам эга бўлмоқда.

Мана бир йилдирки, туман халқ таълими бўлимининг айрим ходимлари, барча мактабларнинг директорлари туман ҳокимлигининг қарори билан жамоат автотранспортидан бепул фойдаланиш имтиёзига эга бўлдилар. Кўп сонли халқ таълими ходимларига давлат уйлари хусусийлаштириб берилди. Шунингдек уй-жой қуриш учун ер участкалари ажратилди. Ўтган йили 100 нафарга яқин халқ таълими ходими

(Давоми 2-бетда).

Янги ўқув йилига тайёрмисиз?

ШОШИЛИНЧ ХУШХАБАРЛАР

Республикамиз умумтаълим мактабларида янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари қизғин бормоқда. Кўпгина туман ва шаҳарлардаги билим масканлари жамоалари оталиқ ташкилотлари ва ҳомийлар ёрдамида ўқув биноларини жорий таъмирдан чиқариш, фан хоналарини жиҳозлаш каби ишларни жадал суръатларда олиб боришмоқда.

Айни кунларда Узбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев номига туман ва шаҳарлардан таълим муассасалари таъмири сифатли поёнига етказилганлиги тўғрисида ҳам шошилинч хушхабарлар келиб турибди. Улардан айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Навоий вилояти Навбаҳор тумани маорифчилари мактабларни таъмирлаш ишларини муваффақиятли тугаллаганликларини маълум қиладилар. Тумандаги 36 та умумий таълим мактабидан шу йил 1 июнга қадар 2,16,17,19,21,22,23,25,30,33-мактабларда жорий таъмир ишлари муваффақиятли адо этилди. Бу таълим муассасаларининг жамоалари янги ўқув йилига тайёр. Мактабларни таъмирлаш ишида ўқитувчилар, юқори синф ўқувчилари,

(Давоми 2-бетда).

МММ — ХАБАРЛАРИ

СЎЗ ҲАМ СОВҒА

Тунов куни Шаҳрихон шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли «Гулшан» болалар боғчасида «Билимлар мамлакатига саёҳат», деб номланган вилоят миқёсидаги кўргазмали семинар ўтказилди. Семинарда ҳамма қатори муносиб тайёргарлик билан қатнашган мазкур боғча тарбиячиси Шарофат Ғаффорова жуда болажон экан. У жажжилар билан қай даражада «тил топишиш», уларни мактабга тайёрлаш жараёнида қандай омилларга таяниш кераклигини чиройли, қисқа ҳаракатлар билан йиғилганларга аниқ «кўрсатиб қўйди».

Дарвоқе, анжуман сўнгида вилоят марказидан келган мутахассис меҳмонлар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини «Балли, Шарофат!» деб бир сўз билан ифодалаб кетишди.

ЯХШИЛАРГА ЯХШИЛИК ЯРАШАДИ

Бухорои шарифда энг ёш илм даргоҳи — Бухоро тиббиёт институти эндигина ўзининг илк қалдирғоч соҳа мутахассисларини халқимиз саломатлиги йўлида хизматга сафарбар этди. Ўтган қисқа вақт ичида қатор хайрли ишлар амалга оширилгани, албатта, қувонарли. Энг муҳими, бу ерда малакали кадрларга бўлган эҳтиёж аста-секин жойига тушиб бораяпти.

Яқинда олийгоҳда янги ректорни таништириш маросими ўтказилиб, унда сўзга чиққан республика соғлиқни сақлаш вазири Ш. Каримов ректорликка тайинланган профессор Р. Аҳмедов етакчилиги боис келажакда мазкур жамоанинг халқ саломатлиги йўлида қатор савоб ишларни амалга ошириши муқаррарлигига ишончини изҳор этди.

ТАЖРИБА ТАЪТИЛИ

Пахтачи туманидаги 47-ўрта мактабнинг 6-7-синф ўқувчилари ёзги таътил кунларини жонажон мактаблари бағрида ўтказишга қарор қилишди. Улар шу кунгача синф раҳбарлари бошчилигида мактаб ҳовлисидаги анвойи гуллар, йўл четлари, стадион атрофларини бегона ўтлардан тозалаб, синф хоналарини ўзлари тўлиқ таъмирдан чиқариб, келгуси ўқув йилига тахт қилиб олишди. Бундан ташқари, Ш. Қаҳҳоров номидаги жамоа хўжалигидаги 17 гектар пахтани ягана, чопиқдан чиқариб, колхозчиларга катта ёрдам беришди. Бир неча кун ўтгач эса, мактаб томорқасидаги буғдойни ўра бошлашади.

МММ — ХАБАРЛАРИ

МАКТАБДА ҒАЛЛАКОРЛИК, ГИЛАМЧИЛИК...

Баҳористон туманининг 4-ўрта мактабида ўз-ўзини таъминлашга эришиш мақсадида гиламчилик тўгараги ташкил этилди. Бундан ташқари, мактабнинг ўн гектар ерида ғалласи, алоҳида ҳисобида эса 50 минг сўм пули бор. Бу ўқитувчиларнинг донга бўлган эҳтиёжини маълум даражада қондириш, мактаб ичкарисини ҳомийларсиз таъмирлаб олишга катта имкон беради.

МУАЛЛИФЛАР: Ҳасанбой РУСТАМОВ, Дилмурод ЖАББОР, Раъно ҲАЙИТОВА, Асрор ҚИЛИЧЕВ.

Иқтисод сабоқлари

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШДА МУЛКЧИЛИК ВА ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ ШАКЛЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ

(Мақоланинг давоми)

Моддий ва инсон омилларининг ўзлаштирилишига қараб, меҳнат натижаларига нисбатан мулк шаклланади.

2) Ишлаб чиқариш натижаларини ўзлаштириш - яратилган маҳсулот хизматларни, уларни сотишдан келган даромадни кимнинг мулкига айланишини билдиради.

Иқтисод инсонийлашиб борган ва унинг самараси ошган сайин бойликнинг хайрия учун ажратилган қисми ортиб боради. Турли-туман хайрия фондлари — пул маблағлари ташкил топадики, уларни турли мулк эгалари ажратадилар. Масалан: Орол фонди, Наврўз фонди...

Молу мулкни зўрлик билан тортиб олиш экспроприация, яъни мусодара дейилади. Агар унинг ҳақини тўламасдан суд ҳукми ёки маъмурий йўл билан тортиб олинса, конфискация дейилади. Мулк эгаси билан келишилган ҳолда ва ҳақиқий тўлаб, қонуний равишда олинса, реквизиция юз беради.

Мулкий муносабатлар ҳар доим юридик қонунларда қайд этилади. Бусиз мулкчилик амал қилмайди. «Узбекистон республикасининг мулк тўғрисидаги қонуни»да фуқароларнинг мулкдор бўлиш ҳуқуқи кафолатланади: ҳамма шаклдаги мулкларнинг тенглиги, мулк даҳлсизлигини давлат таъминлаш, мулк ривожига тўсқинлик қилиш ман этилиши қайд этилган. Бу қонунга кўра мулкдор ўз мулкини рухсат этилган ҳамма соҳада ишлатишга ҳақли, хорижий мулк ҳам давлат ҳимоясига олинади.

Мулкчилик — масъулият билан манфаатнинг узвий бирлиги ҳисобланади. Мулкчилик реал бўлиши учун мулкдорнинг иқтисодий манфаати амалга ошуви шарт. Мулкдорнинг иқтисодий манфаати - унинг бойлик эгаси сифатидаги ҳаётий эҳтиёжи бўлиб, хатти-ҳаракат, феъл-атворни, иқтисодий фаолият сабабиятини юзага чиқаради. Мулкдор манфаати бу фақаттина тирикчилик эҳтиёжи эмас, албатта. Бу мулкнинг миқёси ва ҳаракатига қараб, тирикчилик зарурати чегарасидан мавқега эга бўлиш, эл орасида обрў-эътибор орттиришни ҳам ўз ичига олади. Масалан, мулк эгаси фермер ўз манфаатининг тўлароқ амалга ошириши учун у деҳқончилик касбини яхши эгаллаган бўлиши керак. Демак, касбий манфаат умуминсоний манфаатдан келиб чиқади ва фақат тирикчиликни кўзлайди.

Жамиятда кишиларнинг мулкий мақомига қараб индивидуал (якка шахсий), кооператив (гуруҳий), умумдавлат ва миллий манфаатлар мавжуд. Уларнинг замирида хусусий, жамоа ва давлат, миллий мулк ётади. Бу манфатларнинг ўз ифодаси мавжуд. Индивидуал (якка) манфаат мулк эгасининг шахсан ўзига теккан даромадда ифодаланади. Гуруҳий манфаат мулк эгаси бўлган жамоанинг ҳамжиҳатлик билан ўзлаштирадиган даромади орқали юзага чиқади. Умумдавлат манфаатини давлат бюджети даромадлари ифодалайди. Миллий манфаат — жамиятдаги миллий бойликнинг купайишини билдириб, индивидуал, гуруҳий ва умумдавлат манфаатларининг бирлигидан иборат. Манфаат иқтисодиёт амалиётида мулкдорнинг мақсадига айланади.

Манфаат — мақсадга эришиш — мулкнинг ўзи эгаси учун амалга оширишдир.

Мулкнинг характери ва миқёсига қараб унинг амалга ошини ҳар хил усуллар орқали юзага чиқади. Бу усуллар асосан қуйидагилардан иборат:

— ўз мулкини капитал сифатида ишлатиб, ўзгалар меҳнатини қўллаб тадбиркорлик қилиш орқали фойда олиш;

— ўз мулкини ижарага бериб, (бунга лизинг ҳам киради) ижара ҳақи шаклида даромад олиш:

— Ўз мулкини қимматта сотиш ҳисобидан, яъни чайқовчилик орқали даромад кўриш;

— Ўз мулкига таянган ҳолда меҳнати билан даромад топиш, ўз меҳнатига асосланган хўжалик юритиш йўли билан пул топиш;

— Пул шаклидаги ўз мулкини қарзга бериб, ундан процент (қарз ҳақи) ундириб олиш:

— ёлланиб ишлаш орқали ўз мулки бўлган иш кучидан даромад топиш, яъни иш ҳақи олиш.

Мулкдорлик номинал, яъни хўжакўрсин тақлидида ва реал, яъни амалда тасарруф этиш, мулкни ўз билганича ишлатиш шаклида бўлади. Эркин тасарруф этиш бўлмаган жойда реал мулк бўлмайди. Масалан, автомобиль эгаси ўз машинасини ўзи миниш ёки ижарага бериш, гаровга қўйиш имконига эга эмас, чунки бунга шароит йўқ. Мулк реал бўлиши учун мулкдор уни ўз манфаати йўлида ишлата олиши, ундан наф кўриши керак.

Мулк ўз эгасини топгандагина ҳақиқий мулкка айланади. Мулкни ишга солиш ундан наф кутиш билан боғлиқ. Унинг муқобил (альтернатив) йўллари ҳам бўлади. Мулкини сақлаб қолиш ва кўпайтириш учун пулга ер, уй, қимматбаҳо буюмлар, инквар нарсалар, акция, облигация сотиб олиш мумкин. Мулкий муносабатлар бошқа ижтимоий муносабатлардан холи эмас. Унга сиёсий, миллий, ахлоқий вазият таъсир этади.

Мулк тежамкорликни юзага чиқаради. Ўз-ўзидан маълумки, эгаси йўқ буюмга ҳеч кимнинг жони ачимайди. Буюм ўзиники ёки ўзганики бўлгани сабабли ўзгартиради, чунки ҳаражатни биров кўтариши ҳаммага ёқади.(Агар мулк эгаси ўз моли қадрига етмай арзон сотса, уни ишлатувчи ҳам пули оз кетганидан уни қадрламайди. Мулкий ҳуқуқ бу бойликни тасарруф эта билиш, ресурсларни ишлатишни назорат қилиш, харажат, фойда-зарарни ўз зиммасига олиш ҳуқуқидир. Мулк йўқ жойда моддий ва меҳнат ресурсларини тежашга интилиш ҳам бўлмайди. Бойлик ўз эгасининг қўлида тўпланганида, у авайлаб ишлатилади. Табиий ресурсларнинг эгаси тайин бўлмаганида, улар талон-тарож қилинади.

Жамият бойлигини сақлаш ва кўпайтириш учун кўпчиликни мол соҳибига айлантириш зарур. Бу мулкий муносабатларни демократиялаштириб, халқни миллий бойликнинг ҳақиқий эгасига айлантиради. Мулкка эга бўлишнинг икки асосий йўли бор: мулкни ишлаб топиш, бунда топилган даромад ҳисобидан акциялар сотиб олинади ёки пул бошқа йўл билан мулк объектига айланади: давлат мулкидан ўз улушини хусусийлаштириб олиш. Бу усул ҳозирги даврда кенг тарқалган. Мулкдорларнинг кўпайиши мулк шаклларини ҳар хил қилади.

Мулкий муносабатлар турли хил, шакл ва турдаги мулкни ўз ичига олади. Мулк типи — ҳар хил ёки турдош ижтимоий-иқтисодий тизимларга хос бўлган мулкий муносабатни, мулк характерини билдиради. Мулк шакллари — бу ўзлаштиришнинг характеридир, яъни унинг кўринишидир, қиёфаси, мазмунидир. Ўз меҳнати эвазига ўзлаштириш, ўзгалар яратган бойликни текинга ўзлаштириш, якка тартибда жамоа бўлиб, шерикчилик асосида ўзлаштириш борки, улар мулкчиликнинг ҳар хил шаклларини билдиради. Энди ҳар бир мулк шаклини алоҳида-алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Хусусий мулк-айрим кишиларга тегишли ва даромад топишга қаратилган мулк. Унинг икки кўриниши бор: индивидуал - хусусий мулк, кооператив гуруҳий мулк. Индивидуал мулк бор жойда бойликни ўзлаштириш алоҳидалашган ҳолда, айрим мулкдор томонидан амалга оширилади. Масалан, корхона шахсий (индивидуал) мулк бўлса, келган фойдани фақат унинг эгаси олади. Корхонани ижарага бериш ёки акционер ҳиссадорлик жамиятига айлантириш танҳо мулкдор ихтиёрида бўлади. Кооператив (жамоа) хусусий мулк деганда — бойликни индивидуал тарзда ўзлаштириш, лекин мулкдорлар шерикчилик асосида маълум гуруҳларга бирлашган шароитда ўзлаштириш тушунилади.

Мазкур мулк ҳиссадорликка таянади. Мулкдор ўзининг индивидуал ҳиссасини пай (улуш) сифатида умумий, яъни гуруҳий ишга қўяди. Унинг мулки алоҳида эмас, бошқа шериклар мулки билан ишлатилади. Топилган даромад ўз улушига қараб индивидуал тарзда олинади. Бу ерда ўзлаштиришнинг индивидуал -гуруҳ шакли юзага чиқади. Мазкур мулк шақли акционер жамиятлар фаолиятида аниқ кўринади. Аммо ҳар қандай акционер жамият эмас, балки индивидуал капиталларни бирлаштиришга асосланган жамиятлар кооператив хусусий мулк бўлади.

Хусусий — кооператив мулкнинг муҳим кўриниши монополистик мулкдир. Монополистик хусусий мулк — гуруҳга бирлашган йирик мулкдорлар иқтисодиётининг у ёки бу соҳада танҳо ҳукмронлигига таянган ҳолда ўта катта бойликни озчилик томонидан ўзлаштирилишини билдирувчи мулкдир. Узбекистонда ҳам ўтмишда хусусий мулкчилик ривожланган. Октябрь инқилобидан олдин ўлкамизда индивидуал хусусий мулк кенг қуламда мавжуд эди.

Хусусий мулкдан ташқари шахсий мулк ҳам борки, у ҳам индивидуал ўзлаштиришни билдиради. Аммо у хусусий мулкдан фарқлироқ даромад топишга хизмат қилмайди, балки шахсий эҳтиёжни қондиришга қаратилади. Асосан истеъмол буюмлари, яъни озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой, транспорт воситалари шахсий мулк объекти бўлиб хизмат қилади. Бу мулкнинг усиш манбаи истеъмолга ажратилган даромад ҳисобланади. Шахсий мулкнинг кўплиги жамият бойлигини билдиради. Хусусий ва шахсий мулк биргаликда фуқаролар мулки деб юритилади.

Жамоа мулки — бойликни муайян мақсад йўлида айрим жамоаларга бирлашган кишилар томонидан биргаликда ўзлаштиришидир. Бу мулк шароитида ўзлаштириш жамоадан ташқарида бўла олмайди. Ўзлаштиришнинг шарти жамоага киришдир. Жамоа мулки меҳнатсиз ўзлаштиришни инкор этади ва кооператив - хусусий мулкдан фарқлироқ нафақат мулкка, балки меҳнатга ҳам ҳисса қўшишни талаб қилади. Жамоа мулкининг афзаллиги шуки, бу мулк ишлаб чиқарувчининг узини мулкдор қилади. Жамоа мулкий объектининг кўпайиши икки йўл билан боради. 1) Жамоага янгидан кирган кишилар берган мулк, улар ҳиссасининг умумий мулкка келиб қўшилиши. 2) Жамоа олган даромаднинг бир қисми моддийлашиб, мулк объектига қўшилиши.

Нутфилло ХЎЖАЕВ,
Иқтисод фанлари доктори, профессор.
(давоми бор)

(Боши 1-бетда).

республикамиздаги турли-туман соғломлаштириш масканларида дам олиб, даволаниб қайтишди.

— Хушмурод ака, ёшларни бирор касбга йўналтириш шу кунимизнинг муҳим талабларидан ҳисобланади. Бу борада туманда қандай ишлар амалга оширилаётир?

— Жуда тўғри айтдингиз, ўқувчи-ёшларимизнинг ҳаммаси ҳам келажакда бирор олий ёки ўрта махсус ўқув юртида ўқийвермайди. Бунинг ҳамма учун баробар иложи ҳам йўқ. Ўғилқизга ўқувчилик йилларидаёқ бир ёки икки касбни ўргатиш — давримизнинг талаби. Ҳали эслатганимдек, туманимиз ҳудуди катта, қишлоқлар тарқоқ жойлашган. Бу эса ёшларимизни туман марказига тўплашда қийинчилик туғдиради. Худди шу сабабли ҳам биз жойларда 7 та ўқув-ҳунар корхоналарини очганмиз. Атрофдаги мактаблар меҳнат таълими дарсларини ана шу корхоналарга бориб ўтадилар. Ҳунар лицейида эса жорий ўқув йилида 386 нафар ўқувчи таълим олди. Бу ерда дурадгор, ёғоч ўймакорлиги, қурувчи-дурадгор, тунукасоз, электрпайвандчи, «Кичик бизнес ҳисобчиси ва менежер» мутахассисликлари бўйича гуруҳлар ташкил этилган. Келгуси йилда ана шу ҳунар таълим муассасаларимизда сартарошлик, этикдўзлик, ҳисобчи-ғазначи, ҳисобчи-тафтишчи, чорва фермаларида ветеринар хизмат кўрсатиш ходими, радио-телевизор устаси касблари бўйича гуруҳлар очишни режалаштирганмиз.

— Хушмурод ака, туман халқ таълими соҳасида мумкин қадар тезроқ амалга ошириши лозим бўлган долзарб ишлар ҳам йўқ бўлмаса керак?

— Биласизми, ҳар бир соҳанинг ичига кириб борганингиз сайин ўша сиз айтган муаммоли масалалар тобора кўпроқ кўзга кўриниб боради. Биз Мустақилликнинг ичига кириб бораяпмиз. Ҳамма соҳаларда, шу жумладан халқ таълими соҳасида ҳам ҳали қилиниши керак бўлган долзарб ишлар жуда кўп. Туманимиз халқ таълимини кузатсангиз, биз компьютер масаласида қамбағалмиз. Атига 12 та мактабимиз компьютерлаштирилган. Тўғри, ҳокимлик кўрсатмаси билан ҳудудий яқин мактаблар компьютерлаштирилган мактабларга ўқувчиларини олиб келиб, дарс ўтаётир. Барибир, бу соҳадаги муаммони ҳал этиш учун ҳали кўп компьютер олишимиз керак.

Яна бир муаммо бор эди, уни ҳал қилдик ҳисоб. Янги ўқув йилидан бошлаб туман марказида аниқ фанлар чуқур ўргатиладиган лицей мактаб-интернат фаолият бошлайди. Спорт лицейи очишимиз зарур. Хуллас, кўп ишлашимиз керак.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!

Суҳбатдош
Абдували ОБИДДИНОВ.

ҲАЛИ КЎП ИШЛАШИМИЗ КЕРАК

Сирдарё вилояти «Оқ олтин» туманидаги мактабларда шу кунларда таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари олиб борилмоқда. Тумандаги учта мактаб таъмирланмайди. Сабаби илм масканини жамоа ўқув йили давомида яхши сақлашган. «Оқ олтин» иқтидорли ўқувчилар мактаби (раҳбари Яхшигул Молдобекова), А. Маматов номли инглиз тилини чуқур ўргатувчи мактаб (раҳбари Шукурулло Расулов) ва 19-сон А. Қодирий номидаги оддий мактаб (раҳбари Келдибек Қораев)лар шулар жумласидандир.

Таъмирлаш ишларини режалаштирган туман ҳокимияти ва халқ таълими бўлими мутасаддилари ёш авлод ҳақида қайғуриб, 8-мактаб қошида лагерлар очишди. Бундан ташқари, «Ховос» дам олиш масканида 400 дан зиёд ўқувчи дам олаяпти.

Суратда: туман халқ таълими бўлими жамоаси галдаги вазифаларни режалаштираяпти.

Х. МИРЗАКАРИМОВ
олган сурат.

ШОШИЛИНЧ ХУШХАБАРЛАР

(Боши 1-бетда).

ота-оналар фаол иштирок этдилар. Улар жамоа хўжаликлари ва ҳомийлар томонидан ажратилган маблағларни таъмирлаш ишларида оқилона сарфладилар.

Тумандаги барча ўқув муассасаларини таъмирлаш шу йил 1 июлга қадар тўлиқ адо этилади. Мактабларни янги ўқув йилига тўлиқ шай бўлиши бу педагогик жамоаларимизнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллигига муносиб совғалари бўлади.

К. ЭРГАШЕВ,
Навбаҳор туман халқ таълими бўлимининг мудири.

***

Андижон вилояти Марҳамат туман халқ таълими бўлими қарамоғидаги барча таълим муассасалари вилоят халқ таълими бошқармаси ва ҳомийларнинг фаол ёрдами туфайли шу йил 7 июнда таъмирлаш ишларини тугатдилар. Мактабларимиз янги 1996-97 ўқув йилига тайёрлигини мамнуният билан маълум қиламиз.

Расулжон СУЛТОНАЛИЕВ,
Марҳамат туман халқ таълими бўлимининг мудири.

Ўзлари синовдан ўтишди

Ўтган ҳафта Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказида Ўзбекистон олий ўқув юртлари қабул комиссиялари масъул котиблари учун семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Унда 1996 йилги олий ўқув юртларига қабулдаги ўзига хосликлар, уни мукаммаллаштиришга хизмат қиладиган Давлат тест маркази томонидан амалга оширилган тадбирлар хусусида гап кетди. Жумладан, қабул комиссиялари ишини ташкил этишда асқотадиган тест синовини ўтказишда янги технологиядан фойдаланиш, тест материаллари банки сифатини ошириш, меъёрий йўриқномалар тайёрлаш каби бир талай ишлар аниқ режа асосида бажарилди.

Семинар-кенгаш сўнггида қабул комиссияси масъул котиблари вазифаларига тааллуқли тест саволларига жавоб беришди. Ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан аниқ жавоб олишди. Барча иштирокчиларга Давлат тест марказининг меъёрий йўриқнома ҳужжатлар тахлами берилди.

Эҳтиром

КУЛИБ ЮРИНГ, ОПАЖОН!

(лавҳа)

Мен бу ўйчан кўзли аёл билан тез-тез учрашиб тураман. Қизчам у ишлаётган 304-мактабга ўқишга боргач, деярли ҳар ҳафта кўришадиган бўлдик. Жисму жонидан ақл, латофат барқ уриб, сўзларидаги ўзгача зеболик дилга илиқлик бахш этгани учун бир куни ундан «Сиз шеър ёзмайсизми, мабодо», — деб сўрадим. Шеърку ёзолмайману, аммо қалам тебратиб тураман», — деди у кулиб. Қай куни Лола опа қўлимга кунгил кечинмалари ёзилган дафтарни тутқаздилар. Мен дафтардан қуйидаги жумлаларни ўқидим.

Лола. Менинг исмимни шундай аташибди. Шунинг учунми, тувакларда ўсувчи гулларга, қимнингдир парвариши, ёрдами эвазига умр кўрувчиларга ҳавас қилмайман.

Лола. Мен баланд тоғлар фарзандиман. Совуқ тошлар ёнида товланиб, ҳар тонг қуёшга салом бераман. Тоза ҳаволар ичра тебраниб, Оллоҳга шукроналар айтаман. Эътибор берган бўлсангиз, лолани биринчи бўлиб болалар узадилар. Ўқитувчиман, менинг ҳам умрим 45 дақиқаларга бўлиниб болаларга тақдим этилмоқда. Йўқ! Ачинмайман. Болаларнинг шовқинидан қўрқадиганлар ачинсинлар. Болаларга нисбатан меҳр нелигини билмайдиганлар ачинсинлар. Мен мағрурман. Зеро, елкаси қисиқ, юраги тор ўқитувчининг ўқувчилари мард ва мағрур бўла олмайдилар. Шунинг учун бардошли, сабрли, ҳатто бетоб пайтимда ҳам кулиб туришга ўзимда куч топаман.

«2» БАҲО ОЛУВЧИ ЎҚУВЧИМГА МАКТУБ

Иккичи. Сен ҳақингда гап кетса, иккичимиз, дейишади. Тўғри, сенинг «2»ларинг кўп. Улардан биттасини қай куни ўзим қўйдим. Сенга бу баҳони қўйиш менга қанчалик оғир, болам. Отанг оламдан ўтгач, сен ва укаларингнинг тарбияси ёлғиз онанг зиммасига тушди. Унга жуда қийин. Жудолик туфайли эзилган қалбини нега энди сен ҳам эзишинг керак. Йўқ! Сен яхши бола бўласан. Менинг сендан умидим катта. Камгапсан, баъзан кўзларингда оғир хаёллар суратини кўраман. Мурғак дилинг нимадан изтиробда? Сен ўғил боласан. Онангта суянч тоғ бўласан ҳали. Укаларингта мададкорлик қиласан. Аълочи болалардан қаеринг кам? Сен уларга етиб оласан. Синфдошларингни фахрига айланасан.

Сизлар бир синф бўлиб, берилган топшириқни бажараётган пайтларингда ҳаммаларингнинг бошларингни силаб чиққим келади. Айниқса, сенинг меҳрга ташна силлиқ сочларингни кўпроқ силагим келади. Менинг мактубимни ўқиб бўлгач, дарҳол дарс тайёрлашга тушгин. «2»лар бирин-кетин йўқола боради. Эгилган бошинг кўтарилади. Сенга қандай ёрдам керак бўлса, мен тайёрман. Мактубимни қайта-қайта ўқиб тургин. Келажагинг порлоқлигига шубҳам йўқ, болажон!

ЯНГИ ИШГА КЕЛГАН ШОГИРДИМГА МАКТУБ

Ишга келганингга бир ой бўлибди-ю, ҳафсаланг пир бўлиб қолибди-да. «Узоқ ишлай олмасам керак», — дебсан. Шу гапни сен айтдингми? Эътиқодинг шунчалик сустми? Тўғри, ўқитувчиликнинг нонини емоқ осон эмас. Ўқитувчи ҳар куни, ҳар соат синовдан ўтади. Синф йўқлама дафтарини кўтариб дарсга кирган кунингдан бошлаб сен бу масъулиятни ҳис қилишинг керак. Мактаб дарвозасидан чиққач ҳам синчковлар назарида бўласан. Бу бир томондан ўзингни ҳам тарбиялайди. Қани айт-чи, синфдошларинг билан бирга мени нега бунча яхши кўрар эдиларинг? Нега сен бу касбни танладинг? Чунки мен сиз ўқувчиларим бор жойда ҳатто қаттиқ қулмаганман. Бирор оғиз ноўрин гап гапирмаганман. Ўзимга номуносиб одамлар даврасига қўшилмаганман.

Оламда ҳамма ўз касбидан нолиши мумкин. Пули кам, дейишлари мумкин, меҳнати кўзга кўринмайди, дейишлари мумкин. Фақат сен бу гапни айтма. Сен баланд бўл! Яна бирор марта сенинг нолиганингни эшитсам, демак мен энг ношуд устозман. Менга бундай изтиробни раво кўрмассан.

* * *

Пойтахтнинг Сирғали туманидаги 304-мактаб директори Лола Сайфутдинованинг дил изҳорларини ўқир эканман, олам-олам қувончга тўлдим. Демак, фарзандларимиз ишончли устозларидан таълим олмоқда. Демак, уларнинг мактабларидаги ўқитувчилар шунчаки кун кечириш учун ишга келиб-кетаётгани йўқ. Мактабда чет тиллар чуқур ўргатилмоқда. Бу йилги олимпиадаларда 304-мактаб ўқувчилари тарих, жуғрофия, меҳнат таълими фанларидан голиб бўлди. Лола опа педагогик фаолиятини тил ва адабиёт ўқитувчилигидан бошлаган. Йиллар давомида у тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари, халқ таълимининг туман бўлимида услубчи, 1984 йилдан бошлаб мактабга директорлик қилиб келмоқда. Бу йил Лола опа ўзининг муборак 50 ёшини қаршилайди. «Халқ таълими аълочиси», «Халқ таълими фидойиси» кўкрак нишони соҳибаси, олий тоифали ўқитувчи, мактаб директори Лола опага қутлуғ сана олдидан энг эзгу сўзларни айтгим келди.

Сиз кулиб юринг, Опажон,
Кулгингиз боламга кўчади.
Кўкламдек гуркираб ўтсангиз,
Армонлар, афсуслар учади.
Қалдиргоч мисоли вижирлаб
Болалар сиз томон чопади.
Улар сиз минг йиллаб
ташлаган
Изларидан тиллолар топади.
Сиз каби фидойи қалбларда
Меҳрга султонлар кўрдим
мен.
Сиз кулинг, кўзингиз тубида
Ҳеч сўнмас гулханлар кўрдим
мен.

Зулфия МЎМИНОВА.

Янги дарсликлар

ЖИСМОНИЙ ЧИНИҚИШ САБОҚЛАРИГА АСОС

Болалар тарбиясини «Соғлом авлод учун» мақсадли мажмуавий дастур асосида олиб боришда жисмоний тарбия соҳасидаги дарсликлар ҳамда ўқув-методик қўлланмаларни талаб даражасида тайёрлаш давр заруратидир. Бундай масалани ижобий ҳал қилиш мақсадида Узбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг таниқли бир гуруҳ олимлари: профессорлар А. Н. Ливицкий, Ф. Н. Насриддинов, А. Қ. Ҳамроқулов, Т. Т. Юнусов ва доцент О. В. Панкратьева томонидан «Мактабгача ёшдаги болалар жисмоний тарбиясининг назарияси ва методикаси» дарслиги (УзДЖТИ нашриёт бўлими, 1995 йил, 460 бет) тайёрланди. Дарслик Узбекистон давлат жисмоний тарбия институти, олий ўқув юртларидаги жисмоний тарбия ва мактабгача болалар тарбияси факультетлари талабаларига мўлжалланган.

Дарсликнинг кириш қисмида жисмоний тарбия назарияси ва методикаси фанининг моҳияти ва унинг мактабгача болалар муассасалари ходимлари, мутахассислар ҳамда ота-оналарнинг фаолиятларида қўллаш масалалари ифода этилган. Шунингдек, талабаларнинг фанни ўзлаштиришга доир аниқ вазифалари ҳам кўрсатиб берилган.

Биринчи боб — «Жисмоний тарбия назариясининг умумий масалалари»га бағишланиб, унда жисмоний тарбия назариясининг мавзуси ва республикада жисмоний тарбия тизимининг шаклланиши ҳамда ривожланиши баён этилган. Бу, албатта, ҳар бир раҳбар ва мутахассис ходимнинг жисмоний тарбия ҳақидаги фикр доираларини ойдинлаштириш ва кенгайтиришга асос бўлади. Шунингдек, талабаларнинг билимларини чуқурлаштиришга тўла хизмат қилади. Иккинчи боб эса «Мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний тарбияси назарияси ва вазифалари»га қаратилиб, болалар жисмоний тарбиясининг асосий мазмуни ва вазифаларидаги хусусиятларига алоҳида тўхталган.

Мактабгача болалар жисмоний тарбиясининг энг муҳим воситалари (3-боб) дарсликнинг асосини ташкил этади, деса бўлади. Унда машқлар тавсифи ҳамда дастури алоҳида ўрин олган.

Дарсликнинг кейинги бобларида болаларнинг усиш хусусиятлари ва унда рўй берадиган физиологик, психологик (руҳий) жараёнларнинг хусусияларига илмий-методик жиҳатдан баҳо берган ҳолда аниқ маълумотлар берилганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Булар мактабгача болалар муассасалари ходимлари, айниқса, тарбиячи-ўқитувчиларга жуда қўл келади. Муаллифларнинг таъкидлашича, келтирилган далиллар, маълумотлар ҳаётий тажриба-синовлардан муваффақиятли ўтган экан.

Муаллифлар боғча болаларини, айниқса, энг кичик ёшдан бошлаб ақлий ва жисмоний жиҳатдан шакллантиришни қўшиб тарбиялаш, барча фаолиятларни ўргатиш, ўқитиш жараёнларида бериладиган машқлар, ҳаракатли ўйинларнинг моҳиятларини ҳам кенг очиб берганлар.

Дарсликдаги эътиборли томонлардан бири шундаки, унда мактабгача болалар муассасаларида гимнастика, қоидали, ҳаракатли ва спорт ўйинлари, машқлари, сузиш каби спорт турларининг болаларга тегишли шакллари, мазмунлари, уларни ўргатиш услублари кенг йўналишда оддий баён этилган. Дарслик мутахассислар, тарбиячилар, ота-оналар учун энг муҳим қўлланма сифатида хизмат қилиши муқаррардир. Бундан ташқари жисмоний тарбия машғулотлари, турли оммавий тадбирларни раҳбарлар, ташкилотчилар томонидан уюштириш тартиблари, барча фаолиятларни режалаштириш ва ҳисобга олиб бориш ҳамда барча ташкилий-бошқарув ишларининг услублари ҳам дарсликда ўз ўрнини эгаллаган.

Таъкидлаш жоизки, дарсликни тайёрлашда муаллифлар кўп йиллик иш тажрибалари, илмий-тадқиқотларга таянган ҳолда жиддий меҳнат қилганлар. Улар ўзларининг илмий-назарий, амалий ва ижодий меҳнат самараларини нафақат бўлажак жисмоний тарбия мутахассислари, балки халқ таълими тизимида фаолият кўрсатаётган барча ходимлар ҳамда ота-оналарга ҳавола этишган.

Назаримизда муаллифлар баъзи бир камчиликларга ҳам йўл қўйишган. Жумладан, Узбекистонда мактабгача болалар муассасаларининг тарихий ривожланиши, хозирги моддий-техник таъминот ҳолатлари дарсликда тўлақонли ёритилмаган. Миллий ҳаракатли ўйинлар, рақслар ҳақидаги мазмунга бой бўлган манбалар ҳақида тафсилотлар жуда кам учрайди. «Физкультура», «группа»,модел», «комплекс» каби атамалар кўп ишлатилган, уларни Давлат тилида бериш мумкин эди. Шунингдек, «ҳаракатли юкланиш» (87-бет), «моки югуриш» (79-бет) каби маъноси мужмал иборалар ҳам учрайди.

Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, 460 бетлик салобатли бир китобда «Оилада жисмоний тарбия бериш» мавзуси атиги 2—3 бетда ифода этилган, холос. Ваҳоланки, оилада бериладиган жисмоний тарбия боғчалардаги тарбиянинг таркибий қисми сифатида бир-бирига боғлиқ бўлиши керак. Бу ўринда оилада бериладиган жисмоний тарбиянинг мазмун ва шакллари, уларни ташкил қилиш тартиб-қоидаларидан озми-кўпми намуналар берилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Жузъий камчиликларидан қатъи назар, янги дарслик мазмун ва моҳият жиҳатидан бугуннинг талабларига тўла жавоб бера олади.

Равшан АБДУМАЛИКОВ,
ЎзДЖТИ доценти,
педагогика фанлари номзоди.
Комил ЯРАШЕВ,
катта ўқитувчи.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни – 75 ёшда

Ўзбек миллий матбаачилигининг зукко ва бардошли етакчиларидан бири «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни ташкил этилганига 75 йил тўлди.

Айтадиларки, матбаачилик, диний тарихга кўра, инсониятга учинчи бўлиб берилган, яъни Одам алайҳиссаломга фарзанд кўриш, Шис алайҳиссаломга либос учун мато тўқиш, Идрис алайҳиссаломга ҳарф ёзиш Аллоҳ таоло томонидан ато этилган. Идрис алайҳиссаломдан мерос касб ҳисобланмиш матбаачилик бугунги кунга келиб юксак тараққиётга эришди. Жумладан, газета-журнал, китоб ва бошқа нашрлик маҳсулотлари тайёрланиб чиқариладиган «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни ҳам тараққий топган, Ўзбекистондаги ягона кўп тармоқли, мураккаб ва тезкор ускуналар билан жиҳозланган, замонавий технология ва кирдиги саноат-техника кучига эга бўлган тугал матбаа мажмуидир. Айниқса, матбуот нашрларининг, шунингдек «Маърифат» газетасининг ҳам дунё юзини кўришда концернинг хизматлари беқиёс.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг 75 йиллик тўйи арафасида концерн бош директори Ислом ШОҒУЛОМОВ қаламига мансуб «Саодат манзиллари» китоби нашр этилди. Китоб билан танишиб чиқсангиз, концернинг тарихий шонли йўли, бугуни ва келажак мақсадларидан бохабар бўласиз. Биз ҳам концернинг барча ходимларини тўй билан қутлаган ҳолда ушбу китобдан муаллиф «Тақдимнома»сини эълон қилишни фарз билдик.

САОДАТ МАНЗИЛЛАРИ

Матбаачилик ва матбуот... Гарчанд бу бир-бирига ўзакдош ва уйғун сўзларни жаҳоннинг барча тилларида деярли маъқул таржималари ва муқобиллари топилса-да, дунёнинг турли тилларида сўзлашувчи олим, файласуф, адабиётчи, тилшунос, амалиётчилар матбаачиликнинг ҳам, матбуотнинг ҳам ягона таърифлари бобида маълум тўхтамга келолмагандир.

Жаҳоннинг турли мамлакатларида меҳнат ва тадқиқот билан банд бўлган олимлар ва амалиётчиларнинг бу ўта мураккаб ва муҳташам ишнинг яқин ораларда уддасидан чиқишлари ҳам гумон.

Аслида, нима ўзи матбаачилик? Нима учун айнан барчамиз матбуотга мурожаат этамиз, унга эҳтиёж сезамиз, мутолаани соғинамиз, илк мутолаани газета-журналдан бошлаймиз?

Рост, башарият узоқ асрлар давомида уларсиз ҳам яшаб келган: бунёд этган — вайрон қилган, янгисини топиб — эскисидан воз кечган, дунёга келган — вафот этган, инсонни тарбиялаган — одам болаларини қирғин қилган, салтанатлар қурган — минг йиллик давлатларнинг қисқа вақтда белини синдириб ташлаган; хуллас, табиатан ўзгариб турувчи одамзод, замона зайли билан тинимсиз Вақтни мавҳум тарзда бўлса-да, тўхтатиб олишга, уни қайд этишга хотирасини сақлашга матбаачилик ва матбуот воситалари ёрдамида уриниб кўриш имкониятидан фойдаланиб келган.

Замонавий электроника фани ва техникаси ривожлана бошлаганидан буён газета, журнал, китобнинг, умуман мутолаанинг сафари қариди дея айюҳаннос солган шошқалоқлар ҳам учраб турган. Ваҳоланки, кундан-кунга ривожланаётган янги илм ва саноат тармоғи матбуотнинг-матбаачиликнинг дастёрига айланиб қолди, улар инсон ақл-заковатига бўйин эгиб хизмат қилаётир.

Нега шундай?

Бу саволга жавоб изларканмиз, барча халқлар, ҳодисалар, жараёнлар тарихига ва уларнинг бугунги мазмунига бирров назар ташладик.

Бутун оламни, мавжудотни, одамзодни яратган Тангри таоло ўз қудратини, ўз камолини инсон аждодларига билдирар экан, ер юзидаги илк одам, улуғ бобомиз Одам алайҳиссаломга ўн саҳифагина илоҳий каломни нозил этганидан сўнг, орадан юз йиллар ўтиб Идрис алайҳиссалом деган учинчи расулига мурожаат этиб, унга ёзув ёзмоқни ўргатди, ҳарфларнинг маъно-моҳиятини англатди, ўз иродасини қайд этиб бормоққа кўндирди. Ривоятларнинг билдиришича, аввал бошида ёзувлар ва ҳарфлар нозил бўлганини кимсага билдирмаган Идрис пайғамбар қўй ва қорамол терисига аҳли оламга кўрсатилиши, таништирилиши ва етказилиши шарт бўлган ҳарф ва ёзувларни зарб этади. Ана шу буюк тарихий воқеадан эътиборан курраи замин тарихида ёзув тарихи, аниқроғи, ҳарфлар, матнларнинг инсонлардан устунлиги ва инсонларга хизмат қилиш тарихи бошланади. Дарвоқе, аксарият пайғамбарлар ёзувдан, илоҳий ваҳий қайд этилишидан ошкора чўчишган.

Тағин ўз-ўзимиздан сўраймиз: Нега шундай? Жавоб ва изоҳ топишга уринамиз.

Энг соддаси: ёзув ва ҳарфлар, товушлар ва сўзларнинг, улар англатган маъноларнинг қоғозда акс эттирилишига матбаа дейилади. Энг мураккаби: у илоҳий амал, чунки турли кўринишдаги ҳарфлар ва белгилар миқдор жиҳатидан чекланган бўлса-да, турфа воқеалар, ҳодисалар, жараёнларнинг узлуксизлигини, мунтазамлигини, чексизлигини акс эттиради. Демак, Абадиятга хизмат қилади.

Бепоён Овросиёнинг энг сўлим ва мўътадил гўшаси Туронда матбаачилик даргоҳи кўп минг йиллик тарихга эга. Гап, Иоганн Гуттенбергнинг тошбосмани, французларнинг газета ва журналларни кашф этганликларига бориб тақалганида ҳам, мавзуни бошқа ёққа буриб бўлмайди. Чунки кўксига озодлик шамоли теккан юртнинг фарзандлари Култегин битиклари, Афросиёб суратлари ва ёзувлари, муқаддас Қуръон саҳифалари, буюк Алишер Навоийнинг қудратли сўзларию ҳикматлари ўзларига қадар етиб келганида матбаанинг хизмати катта бўлганини англайдилар.

Матбаачилик юксак маданият бўлиб, улкан тарихга эгадир. Ер юзидаги ўз номига муносиб халқлардан бири бўлган ўзбек миллатининг ҳам миллий матбаачилик маданияти тарихий ва табаррук воқеаларга бойдир.

Суронли 1921 йилнинг 21 марти. Халқини «Ҳар тунинг Қадр ўлубон, ҳар кунинг ўлсин Наврўз» дея дуо этган буюк Алишер Навоийнинг илинжи ижобат бўлгандек, мазкур саналда тупроғи ва руҳи муқаддас Туркистонда янгича матбаачиликнинг Наврўзи туғилган.

Эски газеталарни титкилар эканмиз, Наврўз ўшанда ҳам байрам этилганининг шоҳиди бўлдик.

Янги тузум ва янги мафкура барча сиёсий кучлар ва тузумлар сингари матбаага муҳтож эди.

Йиллар ва босқичлар мобайнида чин маънодаги нашриёт ва матбаа мажмуига айланган «Шарқ», ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, XX аср давомида икки дарё оралиғидаги юртнинг янги тарихига тенг шерик, изтиробли кунларида ҳамдам, қувончли дамларида ҳамнафас, қисқаси, ўлканинг жонли тарихи майдонида бир ниҳол сингари ўсди, улғайди.

Истиқлол шарофатидан яқин ўтмишдаги инсон ва унинг миллатига шахс ва унинг эҳтиёжларига нолойиқ ва номуносиб зўраки анъаналардан воз кечар эканмиз, маълум маънода шўро даври матбаасини, маҳдуд матбуотини ҳам айнан айблашимиз тайин.

Бунда буйруқлар, ҳукмлар бошқа жойда ёзилиб, керакли ерда ўқилганини асло ёддан чиқармаслик керак.

Ўзбек матбаачилиги ва матбуотини шунчаки бўйсунувчилик, тақлидчилик дея таърифлаш ноўрин. Чунки халқ ва юртимиз коммунистик тузум зулми остида яшаган бўлса-да, ўз қадриятларини маҳдуд мафкуранинг даққи таъкидларига тенглаштирмай, аксинча тузумнинг афзал жиҳатларинигина ўзининг азалий қадриятларига уйғунлаштира олгани асримиздаги буюк воқеалардан биридир. Кўпни кўрган файласуфлардан бири Маҳатма Ганди бундай ҳодисани тўла амал қилмаслик ёхуд ўзлигига уйғунлаштириш воситасида енгиш деб таърифлаган. Биргина мисол: 1971-1991 йилларда корхона босмахонасида чоп этилган Шарқ мумтоз шеъриятининг энг гўзал намуналари бежирим китоблар кўринишида халқимизнинг хонадонларига кириб борган. Ваҳоланки, тарих ҳукми билан инқирозга учраган тузум халқнинг ота-боболаридан қолган буюк меросидан баҳраманд бўлишини ўнчалик истамасди. Миллатнинг эрксевар ва истиқлолпарвар фарзандлари халқнинг ўзига, ўзлигини эслатиб тургани сингари, «Шарқ» ҳам ўша муқаддас таъкидни миллионларга китоб тарқасида етказиб берди.

«Шарқ» концерни ўз тарихи давомида дунё матбаа машинасозлиги ва асбобсозлиги, матбаа хомашё саноати билан чамбарчас боғланиб, чет эллик ҳамкорлар билан ишлашда муҳим тажрибалар тўплаган йирик корхонадир. Ўз соҳасига тегишли техника-технология тараққиёти, иқтисодий, молиявий жиҳатлардан тараққий этганлиги сабабли, — дунёга яқиндан таниш корхоналар эса Ўзбекистонда бармоқ билан санарли эди, — «Шарқ» концернини тармоқ корхоналарининг тенгсиз намунаси ва уларнинг беназир етакчисидир десак арзийди.

Бултур корхона тарихида муҳим бир иш амалга оширилди: «Ўзбекистоннинг бугунги миниатюра санъати» деган 127 ранг-тасвир санъати намуналари жамланган альбом биринчи марта Тошкентда чоп этилганди. Тўғриси, аҳён-аҳёнда нашриётларимиз турли-туман альбомларни чоп этиб келишган. Барча таҳририй-тайёргарлик ишлари Тошкентда, босиш эса... хорижда! Биз ҳамон мамлакатимиз, миллий маданиятимиз тарихидаги муҳим янгиликларни ва ўзгаришларни тез илғай олмаймиз, пайқасак ҳам қўл силтаб қўяверамиз. Ваҳоланки, «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг бу нашрни мавжуд алоқалар узилиб, хомашё етишмай турган қийин иқтисодий шароит исканжасида амалга оширгани, унинг қанчалик қатъият ва комил ишонч билан буюк истиқлол, бугунги ва эртанги истиқбол сари дадил юришидан далолатдир.

Бизнингча, бу нафақат корхонанинг, қолаверса Ўзбекистоннинг улкан ютуғидир, буюк давлатимизнинг истиқболли тармоқларидан бирининг саховатли ва ишончли қадамидир.

Бугунга келиб ҳар бир газета саҳифалари дастлаб компьютер экранида намоён бўлади. Сўнгра қоғозларга кўчади. Саҳифаларнинг чиройли чиқиши учун эса, шубҳасиз, «Шарқ»нинг саҳифаловчи ходимлари ҳам беназир хизмат кўрсатадилар.

Суратда: Лиля Бинашева «Маърифат»нинг янги саҳифаси устида ишламоқда.

Р. Галиев олган сурат.

Мураккаб ва замонавий ускуналар тандиридан газета — «иссиқ нон» узиб олинди. Ушбу ускуналар усталари газетанинг илк ўқувчилари ҳамдир.

Суратда: биринчи муштарийларимиз: босмахона ходимлари Х. Мухиддинов, Б. Абдуллаев, Қ. Маназаров газетанинг янги сонини кўздан кечиришмоқда.

А. Даврон олган сурат.

Санъатга ошуфталик

«КИЧКИНТОЙ»НИНГ КИЧКИНАЛАРИ

Болалар уйи... Жамиятнинг бу ҳазин гўшасида бўлсангиз, турли сабабларга кўра мазкур даргоҳга келиб қолган ҳар бир гўдак тақдирига юрак-юракдан хайрихоҳлик ҳиссини туясиз. Шаҳримиздаги 24-болалар уйи ҳам ана шундай масканлардан бири. Унда тарбияланаётган кичкинтойлар турли миллат фарзандлари: ўзбеклар, руслар, татарлар, корейслар, жами 113 нафар. Улар худди бир оила фарзандларидек аҳил, иноқ. Шодлигу қувончлари ҳам, ғам-ташвишлари ҳам ўртада. 3 ёшдан 10 ёшгача бўлган бу кичкинтойлар икки гуруҳда тарбияланадилар. Иккитаси мактабгача тарбия, тўрттаси мактаб гуруҳи болаларидир. Мактаб ёшидаги болалар Собир Раҳимов туманидаги 196,191-мактабларда таҳсил олишади.

Мавлуда Афзалова йигирма саккиз йилдирки, мана шу даргоҳда меҳнат қилиб келади. Неча-неча ўксик қалбларга таълим-тарбия ҳамда оналик меҳрини бериб келаётган меҳрибон устозлардан опа қўлида тарбия топган ўғил-қизларнинг кўпчилиги ҳозирда халқ хўжалигининг турли соҳаларида ҳалол меҳнат қилиб келишаяпти.

—1991 йилда болалар уйи қошида «Кичкинтой» ансамблини ташкил қилгандик, — дея ҳикоя қилади Мавлуда опа, — мақсадимиз — фарзандларимиз маънавиятини бойитиш, санъатнинг сеҳрли дунёсига етаклаш, қолаверса, шикаста дилларга қувонч улашиш эди. Тарбияланувчиларимиз орасида санъатга ихлосманд, истеъдодли ёшлар талайгина экан. Ҳозир ансамблимизга 25 нафар ўғил-қиз бириккан. Улар мусиқа раҳбарлари Зинаида Султонова ҳамда Маҳмуда Холмирзаевалар кўмагида куй ва қўшиқлар ўрганишаётир. Ансамбль дастуридан она-Ватанни мадҳ этувчи қўшиқлар, ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари — лапар ва яллалар ўрин олган.

Республика Маданият ишлари вазирлигига қарашли болалар халқ ижодиёти маркази болалар уйининг ҳомийсидир. Марказда ўтказиладиган ҳар бир тадбир, тантана «Кичкинтой»нинг иштирокисиз ўтмайди. Ўтган йили ижодиёт марказида ўтказилган танловда «Кичкинтой» аъзолари ғолиб чиқишиб, унинг Саида Нурхонова, Каролина Процун, Шоира Нуриддинова сингари фаол иштирокчилари хорижий мамлакатларга йўлланма билан тақдирланганликларини болалар фахр билан гапириб юришади. Ансамбль ҳар йили Тошкент шаҳри ва вилоят болалар уйлари, интернатлараро уюштириладиган кўрик-танловларнинг доимий иштирокчиси. Ўтган йили «Туркистон» саройида ўтказилган кўрикда қатнашиб, фахрли иккинчи ўринни эгаллаганликлари уларни янги-янги ижодий муваффақиятлар сари руҳлантирганди.

Болалар уйи тарбияланувчилари тез-тез халқ ижодиёти марказида бўлиб туришади. Яқинда улар марказда ташкил қилинган Ўзбекистон халқ рассомлари Чингиз Аҳмаров, Рўзи Чсриев асарлари кўргазмасини томоша қилдилар, санъатшунос Рафаэль Тоқтош, ёзувчи Нурали Қобул, шоир Исмоил Тўхтамишевлар билан ҳамсуҳбат бўлишди. Бу каби ажойиб тадбирлар фарзандларимиз дунёқарашида гўзаллик, она-Ватанга меҳр, ишонч ва энг муҳими эзгулик уруғини сочиш йўлида хизмат қилса, не ажаб?! Зеро, болалар эртанги кунимиз эгаларидир.

Улуғбек ЖУМАЕВ.

РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИГА КЎРА...

Андижон вилояти Марҳамат туманида «Йил мактаби» кўрик-танлови Низомига асосан ўтказилган рейтинг натижалари кўриб чиқилди. Бунда тумандаги 13-ўрта мактаб жамоаси 472 балл тўплаб, яна биринчиликни қўлга киритди. Шунингдек, рейтингда 33-мактаб 2- ўринни ва 24-мактаб 3-ўринни эгаллашди.

Маорифчиларнинг яқинда бўлиб ўтган анъанавий июнь кенгашида вилоят ХТБ бошлиғи Жўрабек Халилов, Марҳамат тумани ҳокими Абдуманноп Расулов ҳамда ХТБ мудири Расулжон Султоналиевлар иштирок этиб, 1-ўринни эгаллаган муаллимлар жамоасига 50 минг сўмлик, 2-ўринга 30 минг сўмлик, учинчи ўринга 20 минг сўмлик совғалар топширишди.

А. ҲАЙДАРОВ.

САХОВАТПЕШАЛИК

Инсон умрининг баҳори ёшликдир. Ёшликнинг хислатлари, туйғуларга бой онларини таърифлашга сўз ожиз. Ёшлик куртаклар кўз очишидек гўзал, шабнамда нур ўйнагандек беғубор, оламни титратиш даражасидаги кучу қудратга, эзгу ишларга тўла давр. Ёшликдаги энг ноёб хислатлар инсонийлик, кўнгил очиқлик, саховатпешаликдир. Зотан, ҳар ким ўз ғам-ташвишларига кўпроқ ғарқ бўлган даврларда саховатпешалик кимларгадир эриш туюлар. Лекин саховатпешалик ҳамиша ғолиб бўлиб қолади, ёшликнинг кўрки, бойлиги бўлиб яшайди. Шу ўринда Абдураҳмон Жомийнинг қуйидаги ҳикматини ёдга олиш кифоя:

Ҳотами Тойдан сўрабдилар:

— Умрингда ўзингдан сахийроқ одамни кўрганмисан?

Ҳотам жавоб қилди:

— Ҳа, кўрганман. Кунлардан бир куни бир етимчанинг уйига кириб қолдим. Унинг ўн беш қўйи бор экан. Дарҳол улардан бирини сўйиб, пишириб, олдимга қўйди. Ундан бир бўлаги менга маъқул бўлиб, кесиб едим ва: «Худо ҳаққи, кўп лаззатли экан», — дедим.

Шундан кейин ўша йигит ташқарига чиқди ва қўйларини бирин-кетин сўйиб, менга маъқул бўлган ерини пишириб, олдимга қўяверди. Унинг бор қўйини менинг учун сўйганидан бехабар эдим. Ташқарига чиқиб, отга минай деб турганимда қарасам, эшик олдига жуда кўп қон тўкилибди. Сабабини суриштирсам, хизматкорларимдан бири деди:

— Йигит сени деб барча қўйларини сўйди.

Йигитни қойиб, дедим:

— Нега бундай қилдинг?

Йигит тавозе билан жавоб қилди:

— Худога минг карра шукрким, менинг бирон нарсам сиздек олий зотга маъқул бўлибди. Шундай ҳолда хасислик қилсам, нима деган одам бўлардим.

Кейин Ҳотами Тойдан сўрадилар:

— Бунинг эвазига сен ўша йигитга нима бердинг?

Ҳотам жавоб қилди:

— Уч юзта саман туя ва беш юзта қўй бердим.

Ҳотамга дедилар:

— Демак, сен ўша йигитдан сахийроқ экансан.

Ҳотам жавоб берди:

— Йўқ, сахийликда унга етолмадим. Чунки мен беҳисоб бойлигимдан фақат бир қатрасинигина унга бердим. У бўлса мендан борини аямади.

Неъмат ОРИФ.

Талқин

АЛИШЕР НАВОИЙ РУБОИЙЛАРИ

Рубоий арабча сўз бўлиб «тўрттадан» деган маънони беради. Адабиётшуносликда у тўрт сатрлик кичик лирик жанрни англатади. Бу шеърий шакл дастлаб форсий (Рудакий, Шаҳид Балхий) ва туркий (Лутфий) шеъриятда вужудга келган.

Ҳар қандай тўртлик рубоий бўла олмайди. Ўзига хос шаклий қурилма ва қофия тизимига эга, фалсафий, ижтимоий-сиёсий, ишқий ва ахлоқий мавзуларда, фақат арузда мавжуд ҳазаж баҳрининг ахрам ва ахраб шахобчаларидаги 24 вазнидагина битиладиган тўрт сатрли шеърга рубоий дейилади.

Навоий ўзбек адабиётида энг кўп рубоий ёзган шоир. Унинг ўзбекча рубоийлари «Хазойин ул-маоний»нинг биринчи девони — «Ғаройиб ус-сиғар»га киритилган. Уларнинг сони 133 та. Шу девондаги «Хазойин ул-маоний»га ёзилган насрий дебочада яна 30 рубоий келтирилади. Бошқа айрим асарларида ҳам кўплаб рубоийлар мавжуд. Навоий чаҳорёрлардан бири, Муҳаммад пайғамбарнинг куёвлари-ҳазрати Имом Алининг ҳикматли сўзлари жамланган «Наср ул-лаолий» асарини шеърга солиб, таржима қилади. «Назм ул — жавоҳир» деб аталган бу ўзига хос тўпламдаги 270 тўртлик ҳам жанр жиҳатидан рубоий ҳисобланади.

Демак, шоир ўзбек тилида 500 га яқин рубоий битди. Унинг форсий девони — «Девони Фоний»да эса бу жанрнинг 100 га яқин намунаси мавжуд.

Рубоий ижтимоий-фалсафий қарашларини акс эттириш, ҳаётининг турли даврларида содир бўлган воқеа-ҳодисалар таъсирида кўнглида кечган оний туйғуларию чиқарган муҳим хулосаларини ифодалашда шоирга жуда қўл келган.

«Ғурбатда ғариб...» рубоийси. Бу рубоий — шоирнинг илк лирикаси маҳсули. У Навоий, тақдир тақозосига кўра, ҳозирги Эроннинг Машҳад шаҳрида — мусофирликда яшаган даврида (1457 — 1464) ёзилган.

Рубоийда мусофирлик — бегона юртдаги Ватан ҳижронию соғинчи оҳанги устивор:

Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулга тикондек ошён бўлмас эмиш.

Ғурбат — мусофирлик, бегона юртда яшаш. Ғариб эса — ана шу бегона жойда яшаётган киши. Одам ўзга диёрда шодмон, яъни хушу хурсанд ҳаёт кечириши қийин. Биринчи мисраъ ана шу ўта табиий бир инсоний ҳолатни ифодалаб келяпти.

Иккинчи сатрда бу фикр далил билан «исботланади»: шодмон бўлмасликка сабаб шуки, бегона юртнинг эли мусофир — нотаниш одамга шафқат қилмас ва меҳрибонлик кўрсатмас экан...

Ғурбатнинг мусофирлик эканига далил шуки, шоир «Садди Искандарий» достонида:

Навоий, чу ғурбатда сен шод бўл!
Ватан ёди ранжидин озод бўл! —

дейди. Мусофирликда киши ватанни ўйлайди, шод бўлолмайди. Лирик қаҳрамон шунинг учун ҳам Навоийга мурожаат қилиб, Ватан ёдини унутгин-у, мусофирликда шод бўл, деяпти.

Учинчи ва тўртинчи мисраъларда дастлабки икки сатрда айтилган ялпи фикрнинг қиёсий исботи берилган. Булбул — далаю дашт, боғу бўстонда эркин учиб юрадиган қуш. Қафас унинг асл ватани эмас. Қафасда у худди ўзга юртда яшаётган кишидек мусофир. Қафас олтиндан ясалсин, ичида қизил гул битсин — бу табиатан гул ошиғи бўлмиш булбулга сира-сира татимайди. Олтин қафас ичидаги қизил гулдан кўра унга, тиканли бўлса ҳам, ўз ошёни маъқул. Бу ерда шоир булбулнинг хас-хашаклар, яъни тикандан уя қуришини ҳам кўзда тутган.

Рубоийнинг охирги мисраъсини: «Олтин қафас ичида қизил гул битса ҳам, булбулга бу қафас ошён, яъни ватан бўлолмайди, гул эса тикандек санчилади», — деб тушуниш ҳам мумкин.

Қандай талқин қилинмасин, рубоийда Ватандан айрилиқ дарди қаламга олинган. Кейинги икки мисраъда мавжуд булбул образи, хусусан, унинг қафасда экани кўпларга рубоийда озодлик руҳи ҳам бордек туюлади.

Мусофирлик мавзуси шоир ижодининг илк, жумладан, Машҳаддаги ҳаёти даврида ва ундан кейин Самарқанд ҳамда Астробод шаҳарларида кечган йиллари ёзилган, деб тахмин қилинадиган яна айрим рубоийларида ҳам давом эттирилади.

Ҳар қандай бадиий асар каби рубоийлар ҳам турлича тушунилиши ва ҳар хил талқин этилиши мумкин. Кўп маънолилик бадиий, хусусан, шеърий матннинг туб хусусияти — образлиликдан келиб чиқади. Шу маънода «Ғурбатда ғариб...» рубоийсининг таҳлил этганимиз ҳаётий мазмундан бошқа, айтиш мумкинки, тасаввуфий-фалсафий моҳияти ҳам бор.

Хўш, инсоннинг асл ватани қаер?

Тасаввуфий ақидага кўра, асл ватан — Оллоҳ даргоҳи. Инсон дунёга келгунига қадар Оллоҳ ҳузурида бўлади. Вафот этганидан кейин ҳам яна ана шу Эгаси бағрига қайтади. Шунинг учун ҳам инсоннинг бу дунёдаги ҳаёти моҳиятан мусофирликдек гап. Ғариблик фалсафий-тасаввуфий тушунча сифатида инсоннинг тириклик чоғини билдиради. Умр кечириш эса фақат шодмонликдан иборат эмас. Лирик қаҳрамоннинг эл, яъни кишилардан меҳр-шафқат кам кўрганидан нолиши ҳам табиий. Замон аҳли бевафолигидан шикоят Навоий лирикасининг бош мавзуларидан бири ҳисобланишини биласиз. Тасаввуфий талқинга кўра, бу дунё — бир қафас. Қизил гул битган қафас булбулга тикандек ошён бўлолмагани каби, бу дунёдаги азоб-уқубатли ҳаёт ҳам инсонга Оллоҳ ҳузуридагидек ватан бўла олмайди...

Мусофирлик кайфияти шоирга ана шундай бағоят ўзига хос бир рубоий битиш имконини берган.

Бунда Навоийнинг тўртгина мисраъга ана шундай бой ҳаётий мазмунларни юклай олиш маҳорати намоён бўлган.

Рубоий ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи макфуфи мажбуб, яъни:

мафъулу мафоилун мафоийлу фаул

вазнида битилган. Тақтеъси қуйидагича:

Ғур+бат+да /ға+ри+б шо/д+мон бўл+ма/ сэ+миш

— — у/у — у — /у — — у/у —

Рубоийда учинчи мисраъ қолган уч мисраъ битилган асосий вазндан фарқ қиладиган вазнда келиши мумкин. Бу рубоийнинг учинчи мисраъси ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими абтар вазнида битилган:

Ол+тун қа/фа+с ич+ра гар/ қи+зил гул бут/са

— — у/у — у —/у — — —/ —

Қисқа қилиб айтганда Алишер Навоийнинг «Ғурбатда ғариб...» рубоийси бу жанрда ёзилган шеъриятнинг энг гўзал намуналаридандир.

Султонмурод ОЛИМ,
Халқаро Яссавий мукофоти соҳиби.

(Давоми бор).

27 июнь — матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

ЖУРНАЛИСТЛАР ҚУВНАГАН КУН

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги «Таълимтаъминот» бошқармаси боғида «Халқ таълими», «Тил ва адабиёт таълими», «Бошланғич таълим», «Гулхан», «Ғунча», «Соғлом авлод учун» журналлари ҳамда «Маърифат», «Учитель Узбекистана», «Тонг юлдузи», «Солнышко» газеталарининг, шунингдек, радиода маориф соҳасида ижод қилаётган журналистлар иштирокида матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни ҳамда «Маърифат» газетаси ташкил топган куннинг 65 йиллик юбилейи муносабати билан таълим тизимидаги журналистларнинг тантанали байрами бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев байрамда қатнашиб педагогик матбуотнинг заҳматкаш қаламкашларини чин дилдан муборакбод этди. Республикамиз таълимидаги ислоҳотларнинг амалга ошишида, уни ўқитувчиларга тушунтиришда нашрларнинг ишларига ривож тилади. Вазир ҳар бир газета ва журналга алоҳида тўхталиб, уларнинг ўзига хосликлари ва таълимдаги ислоҳотларга хизматларини санаб ўтди.

Байрам дастурида «Вазирликка савол» матбуот конференцияси ҳам бўлиб, у мулоқотга айланиб кетди. Бунда «Маърифат» газетаси ҳам ўз саволи билан борган эди: «Газета кам ёритаётган энг долзарб мавзу нима деб ўйлайсиз?» Лекин бу саволни бериб улгурмадик ҳамки, бу борада Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўз фикрини баён этди.

— Биз ҳозир бозор иқтисодиётининг юксалиш даврига кириб бордик. Бозор иқтисоди ривожланяпти, лекин у мактабларга тўлиқ кириб бордими? Йўқ. Ўқитувчи тўлиқ билдими? Йўқ. Эртага ўқувчи мактаб партасидан кетар экан, нима учун бу ўзгаришлардан бехабар қолиши керак? Шу йўлда сизлардан жуда катта мадад кутяпман. Иккинчиси экология масаласи. Назаримда у жуда кўп тарғибот бўляпти. Тўғри, тарғибот бўлиши керак, лекин унинг замирида амалий иш бўлмоғи керак...

Газеталаримиз энг аввало ўз ўқувчиларида, Темур васият қилганидек, эътиқодни тарбияласин. Эътиқодлидан эса сотқин чиқмайди. Иккинчиси - тафаккур. Ўйламай ишлаган одам кўп хато қилади. Тафаккурни ривожлантириш учун эса кўп китоб ўқимоқ керак, деган экан Амир Темур.

Ҳа, тадбир жуда гўзал ўтди. Шеърхонликлар бўлди.

Шунингдек, вазирлик томонидан яна бир таклиф қабул қилиндики, бу ҳам журналистларни беҳад қувонтирди. Бунда Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги йилнинг долзарб мавзусида ёзилган энг яхши мақолалар учун танлов эълон қилиб, ғолиблар учун 5 минг сўмдан 10 минг сўмгача бўлган учта мукофот берилиши таклиф қилинди. Танлов ҳар йили матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни байрамида якунланадиган бўлди. Вазир ўринбосари Муртазо Султонов бошчилигида «Таълимтаъминот» бошқармаси бошлиғи Баҳодир Ҳамидов ва Халқ таълими вазирлигининг иш юритиш бошқармаси бошлиғи Одил Холматов ва бошқалар матбуот ходимларига хизматда бўлдилар. Комилжон Йўлдошев раҳбарлигидаги ансамбл эса ўзининг шўх ва дилрабо қўшиқлари билан даврага зеб бериб турди. Уларга ҳамма раҳмат айтди.

«Аввало газатамизнинг 65 йиллиги муносабати билан биз журналистларга кўрсатган ғамхўрликларингиз кўнглимизни хушнуд этди. Энг асосийси, қилаётган меҳнатимиз зое кетмаётганлиги, билъакс, доимо эътиборда эканлиги англашилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон халқ таълими вазири Жўра Йўлдошевга, вазир ўринбосари Муртазо Султоновга ва тадбирда ҳар томонлама қатнашган халқ таълими ходимларига ташаккуримизни изҳор этамиз».

Алқисса, боғда ўтган бу кун журналистлар қувнаган кун бўлди.

«ТАҲРИРИЯТ.

Суратларда: байрамдан лавҳалар. Р. ГАЛИЕВ олган суратлар.

Одобнома

СУҚРОТ ҲИКМАТЛАРИ

Антик дунёнинг буюк донишмандларидан бири Суқрот эрамиздан олдинги 469—399 йилларда яшаган бўлиб, ўзидан катта ижодий мерос қолдирган. Биз алломанинг фақат одоб-ахлоқ ҳикматларидан бир чимдимини азиз ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилмоқчимиз.

«Руҳни даволамай туриб, танани даволаб бўлмайди». Алломанинг ушбу ҳикмати бугунги кунда жуда мағрур жаранглайди. Чунки одамларнинг руҳи касал, шифоталабдир. Одамларнинг дунёқараши хиралашган, инсоф, диёнат деган тушунчалар туман орасида. Мустамлакачилик сиёсати, мутелик одамларни карахт қилиб қўйган. Бунда алломанинг қуйидаги ҳикматига амал қилсак фойдали бўлади. «Мен қадимги донишмандларнинг ўз асарларида бизга қолдириб кетган ақл дурдоналарини кўздан кечираман, агарки, биз уларда нимадир яхши нарсага дуч келсак, уни ўзлаштириб оламиз ва жуда катта фойда орттирган ҳисобланамиз».

Қаноат борича шукр қилиш, қийинчиликларга чидаш ҳам инсонийликдир. Қаноатли одамлар сермулоҳазали, босиқ ва айни вақтда чидамли инсонлардир. Улар ҳаётнинг аччиқ-чучукларига баб-баравар чидайдилар, ўринсиз оҳ-воҳлар қилмайдилар. «Оз нарсага қаноат қилган одам давлатмандир, — деганди Суқрот, — негаки бундай қаноат унинг маънавий бойлигидан далолат беради». Ҳа, қаноатли одамлар, биз ўйлагандан анча мураккаб бўлиб, улар ўйлаб иш қиладиган бамаъни, ақллилардан экан. Қаноатга босиқлик қўшилса, чидамлилик «дори»сидан озроқ тотилса, оқибати яхшилик бўлади. Ҳамма ишни мулоҳаза билан, ақлни ишлатиб ечса бўлади. Аммо зинҳор ва зинҳор шошма-шошарлик билан, қуруқ сафсатабозлик билан бирон мақсадга етиш амри маҳолдир. «Одам дўстлари наздида ўзи қандай баҳога лойиқлигини билса, улар учун янада қимматлироқ бўлишга интилса, яхши бўлур эди.» Албатта, дўстлик инсониятнинг энг ажойиб кашфиётларидан биридир. Фаҳм-фаросат эса одамларга берилган ноёб хислатдир.

«Саломатлигини эҳтиёт қилиб юрган одам ўзига нима фойдалигини шифокордан кўра яхшироқ билади». Мазкур жумлаларда ҳам хислат кўп. Чунки саломатлилигини эҳтиётлаш ҳам ақллиликдир.

«Таомнинг энг яхши қайласи — нафсни тийиш». Дарҳақиқат, нафсни тийиш тани сиҳатликнинг бош сабабчисидир.

Умуман, Суқрот ҳакимнинг панд-насиҳатлари, ўгитлари, ҳикматлари инсониятга абадул-абад беминнат хизмат қилаверади.

Мусоқул УСМОНОВ,
Тошкент молия институти тарих кафедрасининг мудири, профессор.

Назм дафтаридан

ОНА ЮРТИМИЗГА БЕРАЙЛИК САЙҚАЛ!

Кетмоқдаман ташлаб гўзал жойларни,
Кўзимни ололмай унгу сўллардан.
Орқада қолдириб қиру сойларни,
Машина кетмоқда тошли йўллардан.

Хайр энди мактаб, жонажон даргоҳ—
Болалигим ўтган ажойиб диёр!
Хайр, дўстларим-ла ҳар эрта баҳор
Бағрида кезганим, гўзал лолазор!

Чигал жумбоқларни бирма-бир ечиб,
Илму идрок берган Устозларим, хайр!
Ўқишу меҳнатда кўмакдош, ҳамфикр
Бўлишган улфату ҳамрозларим, хайр!

Ўқиш сари йўлга отландик бу кун,
Илм, ҳунар эгаллаш учун мукаммал.
Ўқиб келиб азиз дўстларим, бир кун
Она юртимизга берайлик сайқал!

Холназар ХОН НАЗМИЙ.

Ҳазил шеър

ЧИЛВИРСОЙ ЧИВИНЛАРИ

(Биология ўқитувчилари ўқимасин)

Ёз бошланиб келаверса
Менинг кўнглим ғашланади.
Чилвирсойнинг чивинлари
Оч буридек ташланади.

Ғижжакчининг «шогирди»дай,
Асаббузар куйи бирдай.
Ўзни ўзинг кўр телбадай
Шаппатилаб — муштланади.

«Вах, жувонмарг бўривачча!
Заҳри нишинг қотил бунча?»
Қулоқ қуриб ўтар кеча,
Ҳатто кўзлар ёшланади.

Нафси қониб учиб кетгач,
Сўнгра қичиқ бошланади.
Кўз сузилиб, қош керилиб,
Ўша жойлар қашланади.

Сен қашқасан, мен қашқаман,
Ҳар ким ўзи қашланади.
Сен бошқасан, мен бошқаман,
Аламдан лаб тишланади.

Кўзни кутиб ўтирмасдан,
Чивин зоти қутурмасдан,
Розилик бер кутдирмасдан,
Шунда кўнглим хушланади.

Чивин, асли, бир баҳона,
Бўлсин, дейман, уй тўйхона,
Тортиб олсак пашшахона,
Тотли ҳаёт бошланади.

Чилвирсойнинг чивинлари
Бўйдоқларга ташланади...

Раҳимжон ДАРВИШЕВ.

Футбол

БУГУН ЯРИМ ФИНАЛ

Футбол ватани бўлган Англия майдонларида 10-Европа чемпионати қизғин паллага кирди. Албатта, дунё футболсеварлари қаторида ҳамюртларимиз ҳам бу мусобақаларни катта қизиқиш билан кузатиб боришаяпти.

Мана, гуруҳ ғолибларининг ҳал қилувчи чорак финал мусобақалари ҳам бўлиб ўтди. Унда дастлабки мўъжизалар содир бўлди.

Жумладан, чемпионат олдидан ғолибликка даъвогар Англия терма жамоаси ўзи учун ўта ноқулай бўлган Испания терма жамоаси билан асосий вақтда дуранг ўйнади (0:0). Ўйин испанларнинг тўла устунлигида ўтди. Қўшимча берилган вақтда Англия жамоаси деярли тўла ҳимояда ўйнади. Лекин Нострадамуснинг башоратида ҳақиқат борга ўхшайди. Ушбу башорат Англияга яна омад келтирди. Пенальтилар тепиш бўйича Англия жамоаси 4:2 ҳисобида ғалаба қозонди.

Франция — Голландия учрашувида ҳам ҳисоб очилмади. Пенальтилар тепиш бўйича французларнинг қўли баланд келди. Ҳисоб 5:4.

Немислар билан хорватлар ўйини ҳам кутилган натижани берди. Германия терма жамоаси 2:1 ҳисобида ишончли ғалабага эришди. Энди немислар чемпионатнинг ярим финалида майдон эгалари билан куч синашадилар.

Чехия — Португалия ўйинида мутахассислар, Португалия терма жамоаси ғалаба қозонса керак, деб башорат қилишган эди. Лекин чехлар бу башоратни чиппакка чиқаришди. Улар 1:0 ҳисобида ютиб, муҳим ғалабани қўлга киритдилар. Бугун Англия — Германия ва Чехия— Франция жамоалари ярим финалда учрашишади.

Хайрулло ЖУМАЕВ.

Ҳулдас...

ЎЗГА САЙЁРАЛИКЛАР АЖРАТОЛМАЙДИ

Америка аэронавтика ва космик тадқиқотлар маҳаллий агентлигида ака-ука эгизаклар Марк ва Скотт Келлиларнинг коинотга учиш учун тайёргарлиги ниҳоясига етди. Бир хил махсус кийимдаги космонавтларни бир-биридан умуман ажратиш қийин. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам АҚШ ҳарбий базасида учувчилик қилади. Эгизаклар уйланган. Ҳар бирининг биттадан қизи бор.

ЯХШИ ГАП БИЛАН ИЛОН ИНИДАН ЧИҚАДИ

Ёз бошидан Нижний Новгородлик бир неча киши илоннинг чақиши натижасида касалхоналарнинг токсикология бўлимига ётқизилди. Шу кунларда ушбу газандаларнинг ваҳшийлашиб кетаётгани билан бирга, кутилмаган жойларда пайдо бўлаётгани ҳам кузатилмоқда. Ҳатто, шаҳар марказидаги хиёбонда ҳам илонлар кўпайишганга ўхшайди, чунки яқинда у ерда уларнинг пўсти топилди.

Бироқ, газанда ҳам муомалага юрар экан-да. Мана, шаҳардаги Семиглазовлар оиласида илонлар тенг ҳуқуқли аъзо ҳисобланади. Уларнинг ҳар бири бир ойда 20-25 та сичқонни иштаҳа билан тановул этади. (Дарвоқе, бир сичқон бозорда 5 минг рубл туради). Яқинда оила ўз газандаларининг кўргазмасини ташкил этишмоқчи. Бу билан улар шаҳарликларда илонларга нисбатан муҳаббат уйғотишмоқчи.

ВАНГА ОНА НИМА ДЕЙДИ?

Булғор матбуотининг дараклашича, жаҳоннинг машҳур башоратчиси Ванга она яқинда оғир хасталикдан турди. Айтишларича, у ўз маблағига қурган черковнинг ишга тушганидан буён тез-тез касалланиб турибди.

Эслатиб ўтамиз, у жуда кўп воқеаларни аниқ башорат қилган. Масалан, Иккинчи жаҳон уруши, 1968 йилги Прага воқеалари, Россиядаги қайта қуриш ва ҳоказо.

Ҳозир кўпчилик башоратчининг Россиядаги сайловлар тўғрисидаги фикри билан қизиқишмоқда. Гапларга қараганда, Ванга Борис Ельцинга ғалабани «нақд» қилиб қўйганмиш. Яна айтишича, 1000 йил аҳли Русия тинчлик-омонликда умргузаронлик қилар эмиш.

ИШОНМАГИН ДЎСТИНГГА...

НАТО блокига аъзо мамлакатлар дунё наздида бир-бирига ҳамкор кўринади. Аслида эса, жуда унчалик эмас экан. Яқинда Францияда Американинг беш нафар айғоқчиси қўлга туширилди ва мамлакатдан бадарға этилди. Уларнинг барчаси дипломатик ишларда ишлаган. Уларнинг «ишбоши»си эса АҚШнинг Франциядаги элчиси Памела Гарриман экан.

ана шунақа гаплар.

Спорт

МУАЛЛИМЛАР КУЧ СИНАШИШДИ

Андижон вилояти Марҳамат туманидаги спорт иншоотларида туман халқ таълими ходимларининг футбол ва волейбол бўйича мусобақалари ўтказилди.

Волейбол беллашувларида эркаклар гуруҳлари ўртасида болалар ва ўсмирлар мактаби 1,13-мактаб 2, 15-мактаб 3-ўринни қўлга киритди.

Аёллар гуруҳлари бўйича эса 13-мактаб жамоаси 1, 32-мактаб 2, 5-мактаб 3-ўринни эгаллашди.

Спортнинг футбол тури бўйича 5, 13, 9-мактаблар ғолиблик шохсупасига кўтарилди. Фаол ўйинчиларга, ғолиб командаларга эсдалик совғалари топширилди.

А. ҲАЙДАРОВ.

ОЛИМА ХОТИРАСИ

Фалсафа фанлари доктори, профессор Калерия Ивановна Иванова қисқа муддатли касалликдан сўнг 1996 йил 21 июнда вафот этди.

Профессор К.И.Иванова 1930 йил 11 сентябрда Кострома вилоятидаги Андропов қишлоғида туғилган. 1953 йили Ленинград давлат университетини тугатгандан сўнг йўлланма билан ТошДУга келади ва ўзининг меҳнат фаолиятини фалсафа кафедраси ўқитувчиси сифатида бошлайди. 1976—1986 йиллар давомида фалсафа факультети фалсафа кафедрасининг мудири, 1986—1991 йилларда эса фалсафа факультети декани лавозимларида ишлаган. У Ўзбекистон фалсафа жамияти раёсатининг, ТошДУ қошидаги фалсафа бўйича докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинадиган ихтисослашган кенгашнинг, Ўзбекистон Республикаси ОАК эксперт кенгашининг аъзоси эди.

К. И. Иванова 1963 йили номзодлик, 1974 йилда эса докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган. У фалсафа ва фан методологиясининг долзарб муаммоларига бағишланган жуда кўп китоблар ва мақолаларнинг муаллифидир.

Ўзбекистон Республикасида илм ва таълимни ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун профессор К. И. Ивановага Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими унвони берилган.

Профессор Калерия Ивановна Иванованинг ёрқин хотираси унинг кўп сонли дўстлари қалбида сақланади.

Бир гуруҳ ўртоқлари.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси Самарқанд давлат меъморчилик қурилиш институти ректорати, профессор Рустам Холмуродовга отаси

ИБРОҲИМ отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«РАДИО» ТОПҚИРЛИК МАШҚИ



Азиз муштарий! Қуйида таъриф этилган сўзларни топиб, шаклга «занжир» ҳолида ёзиш билан машқни ҳал этинг.

1. Ўзбекистон радиосининг энг оммалашган эшиттиришлар олиб борувчи муҳарририятларидан бири. 2. Транзисторли радиоприёмник электр қуввати маркаларидан бири. 3. Ўсмирлар учун бериладиган эшиттириш номи. 4. Кундалик хабарлардан иборат эшиттириш. 5. Ток кучланишини ўзгартирадиган қисм. 6. Одатда спорт мусобақаларини радио орқали олиб бориш. 7. Ижодкор, радио ходими. 8. Ҳажвий радиожурнал. 9. Кечакундуз узлуксиз эшиттиришлар олиб борадиган радиостанция. 10. «Ёшлик» радиостанциясининг дам олиш туркум эшиттириши. 11. Мусиқали кундалик дастур. 12. Ярим ўтказгичлардан иборат радиоқурилма. 13. Эшиттиришларнинг бадиий раҳбари. 14. Радиоқурилмаси маркаларидан бирининг номи. 15. Республикамиз радиосининг аёллар учун эшиттириши. 16. Радиоқурилмаларни бошқарувчи мутахассис. 17. Фазода радио сигналларининг тарқалиш ҳолати. 18. Сўз устаси.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳалим САИДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Зубайда УСМОНОВА, Икром ИСКАНДАР.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0321. Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6